O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗАЛАР!

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqticodiy gazetasi

2004 yil, 5 mart, juma

2 (283) son

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида Марказий кенгаш раёсати аъзолари, котиблари, партия етакчилари, Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракциясининг аъзолари, партиянинг вилоят кенгаши раҳбарлари, туманлар кенгашлари вакиллари ҳамда фаол хайрихоҳлар иштирок этдилар.

Партиянинг пленумини ЎЗМТДП Марказий кенгашининг раиси Иброҳим Ғафуров очди. Пленумнинг кун тартиби ва регламенти қабул қилинди. Пленум иштирокчиларининг ваколати ҳамда Марказий кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи эшитилди. Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Партиянинг раиси Иброҳим Ғафуров 2003 йилда бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот нутқи сўзлади, ЎЗМТДПнинг 2004 йилдаги иш режалари билан таништирди.

ЎЗМТДП фаолиятининг айрим якунлари ҳамда партиянинг 2004 йил иш йўналишлари ҳақида партия раисининг маърузаси юзасидан профессор Қаландар Абдураҳмонов, партия котиби Хуршид Дўстмуҳамедов, Марказий кенгаш аъзоси, Тошкент вилояти кенгаши раиси Шарифа Салимова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, Навоий вилояти кенгаши раиси Исматулла Муҳаммадиев ва бошқалар сўзга чиқиб, партиянинг сафларини давримизнинг етук кишилари ҳисобига кенгайтириш, ёшлар ҳамда хотин-қизлар шўъбаларини кучайтириш, корхоналар, муассасалар, идоралар, маҳаллаларда ва бошқа турли ташкилотларда партиянинг бошланғич таянч нуқталарини тузиш ва мустаҳкамлаш, партияни ва унинг газетасини маблағ билан таъминлашнинг чора-тадбирларини кўриш, жойларда партия ташкилотларининг бўғинларини жонкуяр ва жамоат ишига садоқатли кишилар билан мустаҳкамлаш, партия газетасига янги журналист кадрларни жалб этиш, олдинда турган катта долзарб масъулиятли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда унинг таҳририятини қайтадан кўриб чиқиш каби бир қатор муҳим масалаларни кўтардилар, қимматли таклифларни пленум муҳокамасига қўйдилар.

Пленум партиянинг Фарғона вилоят кенгаши (Бахтиёр Мўминов ва Раҳматали Жалилов) таклиф этган партиянинг ички тузилиши-структураси ҳақидаги лойиҳани ҳам кўриб чиқди, уни мукаммаллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишни Раёсатга топширишга қарор қилинди.

Пленумда, шунингдек, партиянинг дастурига киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида келишиб олинди. Дастурни тайёрлаш бўйича Қаландар Абдураҳмонов, Иброҳим Ғафуров, Лола Саидова, Шаҳноза Эргашхўжаева, Хуршид Дўстмуҳамедов, Муқимжон Қирғизбоевдан иборат ҳайъат тузилди.

ЎЗМТДП МК пленуми залида

Пленумда шунингдек, аъзолик бадалларини тўплаш, партия гувоҳномаларини аъзоларга топшириш, ҳисоб-китоб ишларини мунтазам олиб бориш каби масалаларга ҳам батафсил тўхтаб ўтилди.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Партиянинг вилоят конференциялари, туман кенгашларининг йиғилишларида 2004 йил режаларини амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш, партиянинг бўлажак конференцияси ва қурултойига тайёргарлик олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Шу билан ЎЗМТДП Марказий кенгаши пленуми ўз ишини якунлади.

ДАВРАНИ КЕНГ ОЛАЙЛИК!

Иброҳим ҒАФУРОВ
ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси

Бизнинг миллий тикланишимиз Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европа мамлакатларида бошланган тикланиш ва тараққиёт жараёнларига маълум даражада ўхшайди. Узоқ давом этган мустабид тоталитар тузумдан халос бўлганлигимизнинг ўзи ва халқимизнинг ҳақиқий озодликни илк бора ҳис қилганлигининг ўзи ва жаҳонга тенглар қатори тенг бўлиб чиқишга имкониятлар туғилганлиги ва очилганлигининг ўзи ва биринчи бора озод ҳукуматга эга бўлганлигимизнинг ўзи, жуда теран ички инқилобий ҳаракатларнинг, ислоҳотларнинг кучга кирганлигининг ўзи Европа тикланиши билан Ўзбекистон ва Марказий Осиё — Турон давлатларининг тикланишлари ўртасида чуқур ўхшашликлар мавжудлигини кўрсатади. Қиёсан олсак —

XX асрнинг 46-йилида Германиядаги ҳар бир немис ўзини немис миллий тикланишининг узвий бир қисми деб ҳис қилди. У миллий тикланишни ўз вужуди, ўз ҳужайралари ва руҳониятига тўла сингдирди ва ўзини мана шу улуғ миллий тикланишнинг призмаси орқалигина кўриш, ўзига шу тикланиш призмаси орқали баҳо беришга одатланди. Шу орқали ўзини янгича англаш, тушунишга кирди. Ўз "Мен"лигини тамомила янгиланаётган дунёга қиёсан билди.

Бу гаплар ва андак қиёс келтираётганимизнинг боиси биз ҳам ўзбек халқининг ҳар бир вакили, ўзбекман деб фахрланадиган ҳар бир киши — ҳамон улуғ бир мамлакат унинг номи билан аталаркан, ва шу мамлакатдаги юзлаб миллат, элат вакилларини ўз атрофига конституция қоидалари асосида жамлар, бирлаштираркан, — ўзини мустақил давлат, мустақил мамлакат шароитида миллий тикланиш жараёнларининг мустаҳкам узви, ҳалқаси, иштирокчиси деб билиш ва ҳис қилишини истаймиз ва ортиқ даражада орзу қиламиз. Биз биламиз — тикланиш оғушида, тикланиш руҳида, тикланиш ритмида яшаётган, ишлаётган, ижод қилаётган, жамиятнинг ислоҳ ва ўзгартириш жараёнларига ўз муносиб ҳиссасини қўшаётган ватандошларимиз, юртдошларимиз оз эмас. Улар бу тикланиш йўлининг осон эмаслигини жуда яхши тушунадилар. Ва у йўл ҳақиқатан ҳам осон бўлмаётганлигини, гоҳо ҳаддан зиёд мураккаб эканлигини ҳаммамиз кўриб, ўз бошимиздан кечириб турибмиз. Лекин биз қийинчиликлар ҳақида сўзларкан, озодлик ва эркин ҳаёт стартига эркин бўлмаган, эркинликни ёқтирмайдиган ва унга қарши бутун зўравонлик чора-тадбирлари билан курашадиган идоравий буйруқбозликка асосланган режимдан ва унинг барча занжирбанд усул-хусусиятларини бўйнимиз ва оёқларимизга илаштириб чиқиб келаётганлигимизни унутмайлик. Бу асоратларни енгиб ўтиш, улардан батамом халос бўлмоқлик учун жуда катта куч, ирода, матонат ва энг муҳими, истак керак бўлиши ҳақида ҳам доим ўзимизга етарлича ҳисоб бериб борамиз.

Демократик жамиятимиз қонунлари, Конституциямиз бизга сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маърифий-маънавий ҳаётга кучли таъсир кўрсатиш, уларни илғор замонавий қарашлар, ғоялар, усулларга таянган ҳолда ўзгартириш, яхшилаш, янги замонавий поғоналарга олиб чиқишнинг жаҳон демократияси синовларидан ўтган инструменти ва қуролини қўлимизга тутқазган. Жамиятимизда кўппартиявийлик, ошкоралик, фикр ранг-баранглиги, қонун устуворлиги қарор топмоқда ва фуқаролик жамиятининг тамойиллари шаклланмоқда. Биз барча демократик жамиятлар учун олижаноб бўлган ушбу таъсирчан қуролни етарлича маҳорат ва кордонлик билан ишлата олмаётганимиздан, баъзан нўноқлик, тажрибасизлик, сусткашлик, ғайратсизлик қилаётганимиздан ўзимизни ўзимиз ҳар қан-

(Давоми 2-бетда).

«Труд» газетаси табриги

Ўзбекистон хотин-қизларини
қутлуғ айём
«Халқаро хотин-қизлар куни»
билан муборакбод этади.
Максим Горький
таъбири
билан айтганда,
меҳри чексиз, бутун дунёни
кўкраги билан боққан
Аёлни — Онани шарафлайлик!
Инсондаги
бутун гўзаллик
қуёш нурларию,
она меҳридан эканини
унутмайлик!

«Труд» газетаси жамоаси

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Партия ахбороти

* * *

25 феврал куни ЕХҲТнинг Тошкентдаги марказининг сиёсий маслаҳатчиси Мари-Карин фон Гумпенберг Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, Олий Мажлис «Матбуот ва ахборот» қўмитаси раиси ўринбосари Иброҳим Ғафуров билан учрашди. Ўзаро суҳбатда сиёсий партиялар ва сайловга тайёргарлик масалалари хусусида фикрлашилди.

* * *

2 мартда Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида «Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаолияти: муаммолар ва истиқболлар» мавзуида давра суҳбатида ЎЗМТДП котиби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқов қатнашди ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

* * *

2 март куни Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа ва миллий истиқлол ғояси факультетида «Миллий ғоя: инсоннинг камолот йўллари» мавзуида талаба ёшлар билан интерактив суҳбат бўлди. Жонли, ижодий мулоқотда ЎЗМТДП раиси Иброҳим Ғафуров ва партия котиби, таниқли журналист Хуршид Дўстмуҳамедов талаба ёшларга маъруза қилдилар ва уларнинг саволларига жавоб бердилар.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ТАНЛОВИГА МАРҲАБО!

ВИЖДОННИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР, ВАТАННИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР!

Жамики маҳлуқотлар ичида фақатгина инсон онг-шуурли, тил-забонли, ўй-фикрли қилиб яратилган. Муқаддас саналмиш — инсон номига иснод келтираётганлар, ҳақдан адолатсизликни, эзгуликдан ёвузликни афзал билаётганлар, иймон-эътиқод билан яшаш ўрнига куфр йўлида юраётганлар кимлар?

ГИЁҲВАНДЛАР!

Покиза жуфти ҳалолини бадбахт қилаётганлар, бегуноҳ гўдакларни майиб-мажруҳ туғилишига сабаб бўлаётганлар, ҳидоят ўрнига залолатга ундаётганлар, одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш ўрнига қаҳр-ғазаб билан жабру-ситамлар кўргазиб шайтони лаъиннинг васвасаларига учаётганлар кимлар?

ГИЁҲВАНДЛАР!

Ҳаё-ибони, ор-номусни сақлаш ўрнига фахш йўлини ихтиёр этганлар, меҳнат қилиб ризқ топиш ўрнига текинхўрликни афзал билаётганлар, давоси йўқ дардга чалинганлар, ёруғ дунёга келтирган ота-онаси хизматларини қилиб дуоларини олиш ўрнига уларга қўл кўтариб дарбадар ва оқпадар бўлаётганлар кимлар?

ГИЁҲВАНДЛАР!

Зурриётимизни соғлом ҳолда авлодларга етказиш тилда эмас, дилда изҳор этиладиган умуммиллат пандидир. Бу пандга хиёнат қилмай садоқат кўрсатганлар миллат генофондини тоза асрашга ҳисса қўшган бўлади. Афсуслар бўлсин, минг афсуслар бўлсинки, ўсмирлар, аёллар, ҳатто қариялар ичида ҳам гиёҳвандлар борлиги, уларнинг «сафи» камаймаётгани аянчлидир.

Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурида ҳам асрлар вабосига айланган гиёҳвандликка қарши кураш ғоялари қайд этилган. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, улуғ мақсадларга етишиш, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғликдир.

Соғлом авлод учун ҳар биримиз масъулмиз. Миллати, дини-эътиқодидан қатъий назар мустақил Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро бутун жаҳон аҳлини ташвишга солиб қўйган муаммо — гиёҳвандликка қарши курашни ўзининг виждоний бурчи деб ҳисоблаган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади. Бу эса давлатимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Гиёҳвандда алал-оқибат уят ҳам, виждон ҳам қолмайди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, уятсизлик билан беодоблик, беодоблик билан ахлоқсизлик, ахлоқсизлик билан жиноятчилик орасида қалин девор йўқ, буларнинг ҳар бири виждонсизликнинг турли босқичидир. Виждон эса жамиятни бало-қазодан асровчи буюк посбон.

ВИЖДОНГА ХИЁНАТ — ВАТАНГА ХИЁНАТ!

Гиёҳвандликка қарши кураш — мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Матбуот — халқнинг дардини, ташвишу қувончларини ифода этувчи кўнгил ойнаси. Инсон тафаккурини ўстиришда, хусусан, маънавий, сиёсий, миллий ғояларни шакллантиришда матбуотнинг ўрни беқиёс.

«Миллий тикланиш» газетаси ўз саҳифаларида 2004 йилда гиёҳвандликка қарши кураш мавзусидаги энг яхши мақолалар кўрик-танловини эълон қилади.

БИРИНЧИ ўринга — рангли телевизор.

ИККИНЧИ ўринга — иккита диктофон.

УЧИНЧИ ўринга — учта фотоаппарат.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ бешта 20 (йигирма) минг сўмдан пул мукофоти.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2005 йил Наврўз байрами арафасида тантанали топширилади.

ТАНЛОВГА МАРҲАБО!

Саҳифаларни варақласангиз:

2-бетда — Тикланиш оғушида, тикланиш руҳида

3-бетда — Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги арафасида

4-бетда — Фельетон-топишмоқ — Раиснинг «сотка»си яна ўзгардими?

ДАВРАНИ КЕНГ ОЛАЙЛИК!

(Боши 1-бетда).

ча танқид қилсак арзийди.

Давлат ҳокимиятининг кенг тармоқли, ранг-баранг ишларида ўрнимиз билинмаётганидан, таъсиримиз сезилмаётганидан, назорат қилишдек энг зарур вазифаларимизни уддаламаётганидан ва умуман, мана шу муҳим вазифамизни унутиб қўйганимиздан, бемалол юрганимиздан ўзимизни ўзимиз танқид қилайлик.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Давлат ҳокимияти қанча ишламасин, сутканинг 24 соатини қанча тасарруф қилмасин, муаммо камаймайди. Аксинча ижтимоий, иқтисодий, маданий турмушнинг барча соҳаларида муаммолар озайиши ўрнига уларнинг янги-янгилари туғилаётганлигига гувоҳ бўлиб, бутун халқимиз билан бирга буларни бошимиздан кечириб турибмиз. Республика Президенти Олий Мажлис сессиясида айтганидек, биз кўпинча муаммолардан ўзимизни олиб қочишга ҳаракат қиламиз. Муаммолардан беркинган, бошини яширган одам уни ҳеч қачон ҳал қилолмайди. Биз албатта, сиёсий партия сифатида ана шу ранг-баранг, ижтимоий-сиёсий муаммолар ичида туриб, уларни ечиш йўлида жон қуйдирмаётганимиз, ижодий кучларимизни реал ишларнинг ечимига сарф қилмаётганлигимиз учун ўзимизни ўзимиз танқид қилайлик.

Албатта, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ичида номининг ўзиданоқ ўзига хослиги ва ғояларининг йўналиши, такрорланмас белгилари, чизиқлари аён бўлиб турган "Миллий тикланиш" демократик партияси бугунги ҳаётнинг сиёсий воқелигидан ўз ўрнини топишга, қандай бўлмасин, ўзининг ҳаракат майдонини очиш ва эгаллашга интилаётганлигини кузатиш мумкин. Буни инкор этиш, партияларнинг ўрни билинмайди, деб айтиш рўй бераётган мушкул, мураккаб изланишларни кўрмаслик, уларга нисбатан адолатсизлик, инсофсизлик бўлур эди.

Партиямиз тўққиз йилдан бери сиёсий ҳаёт майдонида яшаб келяпти. Бу орада сафларимиз ўсиб, янгиланиб боряпти. Бир қатор ажойиб устоз сафдошларимиз — Амир Темур тарихини тиклаш ва ҳаққоний баҳолашга улкан ҳисса қўшган йирик олим Бўрибой Аҳмедов, миллий мусиқамизнинг ёрқин намуналарини яратган, жонкуяр дўстимиз бастакор ва олим Сайфи Жалил, юзлаб, минглаб шогирдлар етиштирган олим ва муаллим Тожи Қораевнинг сиймоларини ҳамиша катта ҳурмат билан эслаймиз. Партиямиз Марказий кенгаши Бухоро вилояти ҳокимиятига Тожи Қораевнинг хотирасини абадийлаштириш таклифини киритганди. Олимнинг номи ўз хизматларига муносиб тарзда абадийлаштирилди.

Биз бу ерда партиямиз ва унинг фаоллари илмий-ижодий куч-қуввати ҳамиша юқори бўлганлигини, жуда кўп аъзоларимиз замон зиёлиси деган номни юксак шараф билан кўтариб юрганликларини яна бир карра қайд қилиб ўтишни истардим. Академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зиёев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, шоира ва жамоат арбоби Шарифа Салимова, ёзувчи, публицист, журналист Хуршид Дўстмуҳамедов, таниқли мусаввир Ортиқали Қозоқов, маърифатимиз, маънавиятимиз, илм-фанимиз, таълим-тарбиямизнинг замонавий қиёфасини шакллантиришга жуда катта улушини қўшаётган Зарифбой Дўсимов, Абдурашид Тўхтабоев, Мирсодиқ Исҳоқов, Абдуғофир Маматов, Шуҳрат Эргашев, Мунира Қориева, Виктор Алимасов, Муҳсин Валихонов, Муқимжон Қирғизбоев, Исматулла Муҳаммадиев, Бахтиёр Мўминов сингари етук олимлар, тарғиботчилар, фан заҳматкашлари, ҳақиқий жамоатчи фаолларимизнинг ишлари мамлакатдаги тикланиш жараёнларида ўз салмоғи ва ўрнига эга эканлигини, уларнинг олиб бораётган фаолиятлари партиямизнинг дастурий вазифалари ҳамда ғояларига тўла ҳамоҳанг эканлигини қувонч билан айта оламиз. Кеча-бугун партиямиз сафларини тўлдириб, бойитиб, партиямизнинг мақсад-вазифаларини жон-дилдан ёқлаб, қўллаб-қувватлаётган иқтисод фанлари доктори Қаландар Абдураҳмонов, юридик фанлари доктори Лолахон Саидова, иқтисод фанлари номзоди, доцент Шаҳноза Эргашхўжаева, медицина фанлари доктори Хотам Нишонов ва бошқа бир қатор ижодкор, санъаткор, олим дўстларимизни ўз сафларимизда кўришдан, уларнинг ижодий овозлари партиямизнинг ижтимоий сасига уйғун тарзда қўшилиб бораётганидан ва бу қувватимизга қувват қўшаётганидан миннатдорлигимизни айтиб ўтмоқчиман. Умид қиламизки, улар каби яна юзлаб зиёли тушунчали, ўз соҳасида катта инсоний тажрибалар орттирган кишиларнинг сайи ҳаракатлари партиямизнинг жамият олдида ўз вазифаларини самаралироқ адо этишига катта мадад бўлади.

Партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ўз атрофига партиямиздан сайланган ўн иккита депутатни бирлаштирган. Фракциямиз аъзолари парламентнинг қонунчилик фаолиятида сидқидилдан фаол қатнашмоқдалар, қонунларнинг амалиётга киришига жуда катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Олий Мажлиснинг масъул вазифаларини муваффақият билан адо этмоқдалар. Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Раҳматали Жалилов, Эркин Донаев, Гуландом Боқиева, Тоҳиржон Ҳамроқулов, Зокиржон Машрабов, Ўлмас Саиджонов Олий Мажлис сессияларида, қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаларида, сайловчилар билан учрашувларида ўз сўзларини айтмоқдалар. Уларнинг ишларида партиямизнинг ижодий қиёфаси намоён бўлмоқда.

Кейинги пайтлари биз жойларда маҳаллий ташкилотларимизни янги кадрлар билан мустаҳкамлашга муваффақ бўлдик. Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоят партия кенгашларимизни ғайратли, сидқидил, билимдон кишилар бошқара бошлаганлиги, улар бугун тўпланиб қолган чигилликларни ечишга жон-дилдан бел боғлаганлиги албатта ҳаммамизни қувонтиради. Биз Абдурашид Тўхтабоев, Абдуғафур Маматов, Абдуқаюм Каримов, Фахриддин Шарипов, Маматқул Бозорбоев, Зийнадин Есенбоев, Рашид Аллаберганов сингари етакчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни тўла оқлайдилар деб ишонамиз.

Ҳар бир нарса, ҳар бир ечим инсон омилига чамбарчас боғлиқ. Иш ва ҳаётнинг муваффақияти ҳар бир одамнинг ўз қўлида.

Баъзан вазият одамдан устунлик қилмоқчи бўлади. Лекин инсон воқеанинг калитини йўқотиб қўйган ҳолларидагина шундай бўлади. Биз дастуримизнинг ўқига инсон омилини қўйганмиз. Биз дастурий ғояларимиз билан инсонни ўзгартирмоқчи бўламиз. Замон кишисини замон руҳида тарбиялашни кўзлаймиз.

Биз маданиятимиз асосига тил ва нутқ маданиятини қўйганмиз. Тикланиш — миллий тикланиш она тилининг равнақидан бошланади, деб эътиқод қиламиз. Давлат тили қонуни ва давлат тили дастури доирасида партия етакчиларимиз Транспорт институти, Техника университети, Автомобил коллежи, Прокуратура, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Мудофаа вазирлигининг "Импекс" корхонаси, Давлат ва жамият қурилиш академияси, Солиқ ва божхона академияси, турли вилоятларнинг шаҳарлари ва туманларида, университетларда давлат тилини ривожлантириш, унинг қўлланиш кўламини кенгайтириш сингари масалаларни кўтардилар ва қизиқарли давра суҳбатлари ташкил қилдилар. Биз давлат тили ривожи масаласига алоҳида урғу берамиз. Чунки тикланиш она тилидан, унинг равнақидан бошланади. Тил таълими, она тили қандай ўқитилаётгани, бу соҳада ёзилган ва ёзилаётган дарслик ва қўлланмаларнинг сифати, йўналиши, она тили ўқитувчиларининг умумий аҳволи, умуман республикада давлат тили амалиёти сингари бир қатор жуда жиддий масалалар борки, партиямиз уларга асло бепарво қаролмайди. Тил ва тилшунослик соҳаларида партиямиз ўз атрофига етук, тажрибакор мутахассислар, олимлар, педагогларни жамлаган. Уларнинг кучларини миллий тилимизнинг равнақига йўналтириш энг биринчи даражали аҳамиятга эга вазифалардандир.

Республика Президенти либерал демократик партия ташаббускорлари билан учрашганда сиёсий партиялар олдида турган вазифаларга тўхталиб, партияларнинг мактаблар билан алоқаларига алоҳида урғу берди. Биз она тилини ўқитиш, юксак савияли, таъсирчан, замонавий дарслик ва қўлланмалар яратишда имкониятимиздан келиб чиқиб ёрдам беришни ўзимизга ҳам фарз, ҳар қарз деб биламиз.

Партиянинг асосий вазифаларидан бири кишилар онгини тарбиялаш, тафаккур савиясини кўтариш бўлганлиги сабабли сиёсий онг тарбиясини биз тарих, адабиёт, санъат тарбияси билан қўшиб олиб бориш алоҳида аҳамият ва таъсир кучига эга бўлади деб тушунамиз. Ўзбекистоннинг қаерида қайси давраларда одамлар билан учрашмайлик, биз бу усулнинг ниҳоятда фойдали ва таъсирчан эканлигига кўп бора амин бўлганмиз, бундай мулоқотлар ширин мевалар беришига ишонч ҳосил қилганмиз. Ўзбекистонлик ҳар бир фуқаро ҳаётини замонавий цивилизация мезонлари асосида қуришга эришиш бизнинг муҳим оъмолларимиздан, дастурий вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

Партия ўз дастури ва уставига кўра замона ва жамиятнинг жуда катта долзарб масалалари ичида яшайди. Акс ҳолда у сиёсий институт ва инсон тарбияси инструменти сифатидаги мавқеини йўқотиб қўяди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг кўп ҳолларда ўз уставимиз ҳамда дастуримизда ўзимиз ўз қўлимиз билан ёзган, ўзимиз қабул қилган талаб, қоидалар, йўл-йўриқларга амал қилмаслигимиз ғоятда ажабланарли кўринади. Устав ҳамда дастуримизда замонавий тикланиш йўналишларини белгилаб чиққанмиз. Лекин белгиланган йўналишлар қоғозда қолиб кетмоқда. Нега биз бутун мамлакат бўйлаб уч-етти кишидан ташкил топган бошланғич ташкилотларимизни тузмаймиз? Ахир шундай таянч нуқталаримиз бўлмаса, йил охирида ўтадиган сайловларда биз кимга суянамиз? Сайловчилар билан қайси плацдармда туриб сўйлашамиз, мулоқот олиб борамиз? Номзодларимизни қўллаймиз? Нега шундай бошланғич ташкилотлар халқалари билан бутун мамлакатни қамраб олмаймиз? Ахир сиёсий партиямизнинг муваффақияти ҳар биримизнинг муваффақиятимиз ва обрўйимиз эмасми? Партия бизга нима беради ёки бермоқда деб ўтириш инсоний ланжлик, сиёсий беғамликнинг ўзи эмасми? Ҳозир бошланғич партия шуъбаларини шакллантириш, уларга серғайрат ёшлар, жонкуяр хотин-қизларни жалб этиш, аъзоларимиз ва хайрихоҳларимизни кўпайтиришдан ортиқ муҳим иш борми? Улар аввало бизнинг кўпдан кўп ранг-баранг сиёсий-тарбиявий, оммавий ишларимизда, айниқса, катта маҳорат, ўқув, билимни талаб қиладиган сайлаш, сайланиш, сайловларда натижаларга эришишда биринчи суянчимиз, таянчимиз, ишонган тоғимиз бўлишлари ой-кундай равшан-ку! Дўппини ерга олиб қўйиб ўйлаб қараганда, бундай таянч нуқталарини ташкил этиш учун жуда катта маблағ керак эмасдир-ку! Бу бироз иштиёқ, хоҳиш, онгли муносабат билан битадиган иш-ку! Улар бўлмаса ранг-баранг сайловга оид ишларимизни ким билан қиламиз?

Олижаноб ғоя қоғозга тушгач, унинг рўёби умумпартиявий ташаббускорлик билан юзага чиқади. Афсус, бизнинг барча олижаноб ғояларимиз ҳам, ташаббус истаги ҳам қоғоздагина қолиб кетмоқда. Умумпартиявий миқёсдаги ташаббуслар бўлмас экан, ким бизни танийди, тан олади? Ким сафимизга қўшилади, ким бизга эргашади? Дуруст, халқаро демократик ташкилотлар, нодавлат нотижорат жамоат бирлашмалари билан биргаликда даврнинг долзарб мавзуларига бағишланган давра суҳбатлар, мулоқотлар, мунозаларда иштирок этмоқдамиз. Ёшлар давраларига, уларнинг клубларига кириб бормоқдамиз. Лекин шундай бўлса ҳам биз-нинг мулоқот ва учрашув давраларимиз, уларнинг манзиллари жуда тор. Биз кириб боришимиз керак бўлган эшиклар, остоналар, майдонлар сон-саноқсиз. Даврани кенг олайлик деган гап бўларди оммавий йиғинларда. Ҳа, даврани кенг олайлик, биродарлар! Замондан орқада қолишни истамасак, худди шундай қилайлик!

Келаётган сайловлар бизни сиёсий ташкилот сифатида ва шу партиянинг обрў-эътиборига масъул кишилар сифатида жуда катта имтиҳон қишига шубҳа йўқ. Кўп нарсалар ва кўп ишларнинг муваффақияти бизнинг ўзимизни нечоғлик сиёсатчи деб билаётганимиз, англаётганимизга боғлиқ бўлиб қолади. Бу гап айниқса бизнинг бўлажак номзодларимизга ҳам тегишли. Айтингчи, яхши бизнесмен, яхши корхоначи, яхши юрист, яхши иқтисодчи, яхши муаллим, яхши инженер, яхши фермер сиёсатчи бўлмай туриб, парламент депутати ёки сенатор бўла оладими?

Агар у яхши чуқур сиёсатчи бўлмаса, маҳаллий кенгашларга лойиқ депутат бўлиб фаолият олиб бора оладими? Умуман олганда сиёсатсиз сиёсатчининг бўлиши мумкинми? Ўз ишини яхши билса-ю лекин сиёсатдан узоқ бўлса, биз бундай кишини ўз партиямиздан номзод қилиб қўя оламизми маҳаллий вакиллик кенгашларига ёки парламент палаталарига? Қонун яратувчи киши сиёсатчи бўлиши керакми йўқми? Қонун ҳар қандай сиёсатнинг боши ва давоми эмасми? Биз ўз номзодларимиз билан шуғулланганда, уларнинг командасини тузганда, бундай масалаларга биринчи даражали аҳамият бериб қараймиз, албатта.

Ҳозирги сайловчи бизга сиёсатчилар сифатида қарайдими? Бизнинг қиёфамизда мамлакатнинг сиёсатчиларини кўрадими? Сайловчини ким, қандай инсон кўпроқ қизиқтиради, ўзига жалб қилади? Умуман, биз сайловчини қандай кўрамиз, қандай тасаввур қиламиз? Уни қандай тарбиялаяпмиз?

Сайловчи жуда жонли, ранг-баранг қизиқишларга эга бўлган ҳозирги замон кишиси. Уни кўпроқ амалий масалалар, амалиётчилик қизиқтиради. Биз унинг кўпдан кўп осон бўлмаган саволларига, муаммоларига тайёрмизми? Ёки бу ишларнинг барини ўз ҳолига ташлаб қўйиб стихияли тарзда ҳал бўлишини кутамизми? Агар шундай бўлса, бу катта йўқотиш бўлур эди.

Ҳолбуки, сайлов, ҳар қандай сайлов бу сиёсат. Жуда катта ва узоққа кетадиган сиёсат! Шу пайтгача сиёсатдан ўзини узоқ тутиб келган одам ҳам, сайлов пайтида сиёсатга дахлдор бўлади, сиёсатчига айланади. Одамларнинг ўтиш даврида сиёсатдан узоқлашиб кетгани бу ниҳоятда катта муаммо. Сиёсий партиялар ва жумладан "Миллий тикланиш" бу таг-заминли муаммо устида ҳар томонлама ўйлашлари, уни енгиб ўтиш йўлларини топишларига тўғри келади.

"Миллий тикланиш"нинг яна бир вазифасини бугунги ҳар бир фуқаронинг юрагида партиямизга, унинг ғояларига йўл очишда кўрамиз, шунда, фуқаро ҳам сиёсатга йўл очган ёки топган бўлади. Бутун тарғибот-ташвиқот ишларимизнинг мағзи-моҳияти ҳам мана шунда.

ЎзМТДП хотин-қизлар шуъбаси аъзолари

Учрашувлар, мулоқотлар

МЕҲРНИНГ БИР МАЪНОСИ – ҚУЁШ

Халқимизда меҳр кўрган одам деган ибора. бор. Бу – фазилатли киши дегани. Қалбига яхшиликдан нур тушган, ўзи ҳам яхшиликларга қодир, дегани. Дарҳақиқат, меҳр кўрмаса, қуёшдан бир тола шуъла, булутдан бир қатра ёмғир ичмаса, чўп гиёҳга айланмайди. Шунинг учун Меҳр-мурувват йилини фуқароларимиз ўз ички имкониятларини юзага чиқарадиган янги бир майдон сифатида қабул қилмоқдалар.

Тошкент тумани ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат маркази ва «Миллий тикланиш» партияси, ёзувчи, шоирлар ҳамкорлигида «Меҳр – дилларнинг гулшани» мавзусида туман зиёлилари, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ҳузурида ўтказилган тадбир ҳам йилимизга сифат бўлган бу сўзнинг халқимиз хотиралари, орзу-умидларига туташ эканлигини кўрсатди.

Туманда болаларнинг маърифий билимларини кучайтириш учун Охунбобоев ширкат хўжалигида

540 ўринли қўшимча мактаб биноси, 33-мактабга қўшимча синф хоналари қуриб берилди. Иккита шифокорлик пункти, Аквапарк, гузар ва ўнлаб маданий-маиший бинолар ҳам фуқароларимиз хизматига топширилди.

Туман ҳокими Сайфулла Темировнинг маърифат, маданият билан боғлиқ амалий ишлар, режалар борасидаги сўзларини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси раиси, ёзувчи, таржимон Иброҳим Ғафуров, «Саодат» журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси, шоира Шарифа Салимова, Олий Мажлис депутати, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, «Жўрабек» дорихонаси раҳбари, тадбиркор Мунира Қориева, Республика маънавият ва маърифат маркази Тошкент туман бўлими раҳбари Эркин Ғуломовлар давом эттиришди.

– Муррувват – бу садақа дегани эмас. Меҳр-мурувватнинг кўп маънолари бор. Меҳрнинг бир маъноси – қуёш. Бу дунёдаги жамики жонли, жонсиз нарсаларнинг шу иссиқ туйғуга эҳтиёжи бор. Инсонга куч-қувват бахш этадиган, элни қўкартириб, кўтарадиган бу ҳиссиёт одамларнинг кўнглида бўлгани учун тез қабул қилинди, қувониб қабул қилинди, – дейди Иброҳим Ғафуров тадбир мазмунини кенгроқ изоҳлар экан. Шоиралар ўқиган шеърларда Ватан, Ўзбекистон болалари каби жонбахш сўзлар юракка яна ҳам яқинроқ келди.

Туманда оммавий спорт, болалар спорти соҳасида эришилаётган муваффақиятларга ҳам алоҳида урғу берилди. Турон якка кураши бўйича 1991 йилда туғилган болалар ўртасида Республика расмий биринчилигида туманнинг ёш спортчилари 5 та олтин, 5 та қумуш, 3 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Тадбирда Алишер Абдураимов, Ойбек Аҳмедов, Рўзибой Йўлдошев каби ёш чемпионларга қимматли совғалар топширилди.

Дийдорлашувлар, шеърлар, тафтли изҳорлар кишиларнинг завқу шавқланиб, янада руҳланиб меҳнат қилишига кўмаклашади албатта.

ГУЛ, СЕНИНГ АСИРИНГМАН

Тасвирий санъат – доимо инсон қалбини нурларга чулғаб келган. Жозибаси, табиийликка яқинлиги билан миллий қадриятларимиз уйғунлашувидан ҳосила бўлган санъат асарлари ҳамиша яхши таассурот қолдирган.

Тошкент Миллий университети маданият саройида Ўзбекистон санъат арбоблари Ортиқали Қозоқов, Турсунали Рахметов, тасвирий санъат усталари Рустам Худойбергенов, Галия Абдураҳмонова, Адҳамжон Иброҳимов каби ижодкорларнинг «Натюрморт ва гуллар» кўргазмаси очилди.

Санъат байрамига айланиб кетган тадбирда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси Иброҳим Ғафуров сўзга чиқди. Кўргазма очилиш маросимида Покистон, Малайзия, Грузия мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

"АТИРГУЛ" ҒОЛИБАЛАРИ

Хотин-қизларнинг улуғ айёми арафасида Тошкентдаги Миллий матбуот марказида журналист аёлларнинг мўъжазгина анжумани бўлиб ўтди. Унда хотин-қиз журналистлар орасида ўтказилган "Атиргул" танлови ғолиблари тақдирландилар. Шу ҳақда сўзлаб беришни "Журналист аёллар клуби" раисаси Мўътабар Каримовадан илтимос қилдик.

— Ижодий танловларнинг тури кўп. Лекин Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан таъсис этилган мазкур танлов анчагина ўзига хос. Унда республикамизнинг барча вилоятларида яшовчи, миллатидан, қайси ахборот воситасида меҳнат қилаётганидан, ёшидан қатъи назар истаган журналист қизлар, аёллар иштирок этишлари мумкин. Бу йилги танлов "хирмони"га тақдим этилган ижодий ишлар таркиби ҳам шундан далолат бериб турибди. Кези келганда, эътироф этиш лозимки, кейинги йилларда аёл-қиз журналистларимиз орасида фаоллашаётган, янгидан-янги ижод намуналарини яратаётган ёшларимиз кўпайиб бормоқда. Ва шу билан бирга кексайган ёшда қаламни қўлдан қўймай ғайрат қилаётган онахон ижодкорларимиз ҳам бор. Биз уларга ҳавас қиламиз, албатта.

Танловни, мана, икки йилдирки, янгитдан ташкил топган "Журналист аёллар клуби" ташкиллаштирмоқда. Танлов ҳайъатида таниқли ижодкорлар, жумладан муҳаррир ва журналистлар бор, улар тақдим этилган ишлар орасидан энг сара ижод намуналарини танлаб олишди.

Албатта, танлов ишини янада жонлантиришни, унга мумкин қадар кўпроқ ижодкорларни жалб этишни, қолаверса, ғолибларни тақдирлаш учун кўпроқ маблағлар топишни жуда-жуда истаяпмиз. Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишимизда қуйидаги ғолиблар тақдирландилар:

Васила Турдибоева — Наманган шаҳридан "Бегойим" газетаси муҳаррири

Феруза Одилова — "Тонг юлдузи" газетаси бўлим мудири

Зиёда Ашурова — "Туркистон" газетаси мухбири

Бўритош Носирова — Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси

Дилором Ҳалимова — Бухоро вилояти "Солиқ назорати" газетаси муҳаррири

Наталья Кочубей — "Правда Востока" газетаси шарҳловчиси (марҳума)

Зебо Мирзаева — "Ўзтелерадио" компанияси "Ёшлар" канали катта муҳаррири

Шунингдек, қуйидаги қалам соҳибалари тақдирландилар:

Жамила АРСЛОНОВА – «Истиқбол» газетаси, Зангиота тумани

Юлдуз ТЕШАБОЕВА – «Ғунча» журнали

Наталья УМРЗОҚОВА – «Вечерний Ташкент»

Муҳайё МИРСАИДОВА – республика радиоси маънавият ва мусиқа бош муҳарририяти

Наргис БЕРДИБОЕВА – «Савдогар» газетаси мухбири

Насиба ЭРХОНОВА – «Маърифат» газетаси мухбири

Жумагул АЛИМБЕКОВА – «Нурли жол» газетаси мухбири

Ғолибларни ва барча журналист аёл-қизларимизни гўзаллик ва нафосат айёми билан муборакбод этамиз!

«Атиргул» муборак, муҳтарам ҳамкасблар!

ХАЛҚ БЎЛ, ЭЛИМ, ХАЛҚ БЎЛ, ЭЛИМ, ХАЛҚ БЎЛ, ЭЛИМ!

Муҳаммад ЮСУФ

ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга.
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга,
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балҳда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Қўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарвозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган.
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун,
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам, деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бошин эгкан чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

Муҳаммад Юсуфнинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди. У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди.

Абдулла ОРИПОВ

НАВОИЙ

Хитобларга кўмилиб ҳотам,
Буюк шоир, дейиш-ку осон.
Ҳеч кими йўқ Навоийни ҳам,
У ҳам мендек бир ғариб инсон...

Кечиргайми ҳазрат ўз қавмин,
Бир-бирига бўлмаса паноҳ:
Подшосининг билмаса
қадрин,
Гадосини сийламаса гоҳ?..

Юрагини чаққандек ари
Пир енгидан кириб яширин,
Азобмасми, набиралари
Кўзин ўйиб юрса бир-бирин?..

Юм-юм йиғлаб ётмасми устоз,
Қабрида ҳам юрак-бағри қон —
Шоирлари сўйламаса рост,
Олимлари талашса унвон?..

Мангу назм гулшани сўлмас,
Навоий-ку яшар то абад.
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,
Мурувватсиз юртда саодат...

Муҳаммад Юсуф покиза инсон эди. У одамларнинг эсини оғдирган, ўйлатган, кулдирган, йиғлатган, топган тутганини одамлар устидан сочган сахийлик тимсоли эди. Энди шоирнинг ўзи йўқ, аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш шеърият бор.

Саид АҲМАД

Муҳаммаджон ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва камтарин инсон эди. Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо сақланади.

Ислом КАРИМОВ



Муҳаммад Юсуф (чапдан ўнгга) ижодкор дўстлари Сирожиддин Саййид ва Эркин Усмонов билан 1987 йил.

МЕҲР ҚОЛУР

Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар — кўзёши самони.
Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачўғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша.
Дунёни тор айлаган ўша —
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг, сулув,
Хумор сенинг кўзларинг, сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг, сулув,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зуҳро йиғлаб қолди қон бағир,
Келганда ҳам қиёмат охир,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, ғаюр инсон?
Ғийбатларинг қилди мени қон,
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

ЯХШИ

Хуршид ДАВРОНга

Эй дўстларим, дунёда
Ортда қолган из яхши.
Булбули йўқ баҳордан
Қумри тўла куз яхши.

Миннат тўла ҳалводан
Айвондаги муз яхши,
Ўпич кўрган паридан
Сепкил тошган юз яхши,
Ичмасанг ҳам қимиз зўр,
Қучмасанг ҳам қиз яхши.

Эй дўстларим, дунёда
Ортда қолган ёд яхши,
Тўқлигингда йўқлаган
Қариндошдан ёт яхши.
Ўнта номард дўстингдан
Битта чўлоқ от яхши.

Олисдаги олтиндан
Қучоқдаги гард яхши,
Вафоси йўқ хотиндан
Давоси йўқ дард яхши,

Ғаламис берган ғазнадан
Бурда арпа нон яхши,
Қирқта чала мулладан
Битта Муҳаммад яхши.

Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси — шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ОНАИЗОР

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам...
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Сиғмай қолсам шундай кенг бу жаҳона,
Осмонларга руҳим бўлса равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Тонар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.
Еру кўкни титратиб, зор-зор, дунё —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,
Онанг ўлса бўлмасмиди ўғлим деб
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам.
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Муҳаммад Юсуфнинг пойтахтдаги илк қадамлари таниқли ёзувчи Назир Сафаровнинг хонадони остонасидан бошланганди. ... Озғингина, истараси иссиқ, қорачагина йигит бир кўришдаёқ мени ўзига тортган эди. Туғма истеъдод соҳиби эди.

Эркин ВОҲИДОВ

Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқисам, Шаркда минг йилдан бери кишилар завқи-шавқини қўзғаб, фикру-ўйи, орзу умидларига мадад бериб келаётган номи жаҳонга машҳур Абулқосим Фирдавсийнинг шоҳ сатрлари ёдга тушади:

Кўп олий қасрлар бўлурлар ҳароб,
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.
Сухан тухмин эқдим чекиб меҳнатим
Мен ўлмам, асрлар яшайдур отим!

Йигирма йил сиз билан бирга гувоҳи бўлган воқеалар тез-тез эсга тушади. ... Ўша хуш онлар тушдайин ўтди-ю кетди.

Сиз қуйлаган бойчечаклар яна униб чиққан, ялпизлар кўк кўйлак кийди. Қизлар кокилларини толпопикдан боғладилар. Дошқозонларда сумалаклар қайнаяпти. Ҳадемай қалдирғочлар ҳам келади, сизни сўроқлаб. Шеърдан ҳам улуғингиз — волидангиз соғинганда кўзларини суратингизга тикади.

Азиз китобларингизни варақ-варақ очади.

Яқинда зиёрат қилдим. Дуоларга қўл очди. Ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбарини тавоф қилмоқлик орзусини айтди...

Ҳаёт бўлганингизда эллик кундан кейин элликка кирардингиз. Сиз ўлмагансиз, яшаяпсиз, яшайсиз!

Ўринбой КЕНЖА

Олмалиқ савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти ва тадбиркор Арслонбек Жаналиев республика хотин-қизларини 8 Март байрами билан самимий қутлайди. Улуғлар дейдиларки, аёл оламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилгандур. Юзларингиздан табассум аримасин, бахтиёрлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин, мукаррам, мўътабар аёллар!

ИБН СИНО ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР

Бутун жаҳонга маълум ва машҳур азиз ватандошимиз, бухоролик Абу Али Ибн Сино ҳақида кўп ривоятлар, ҳикоятлар ўқиганмиз, эшитганмиз. Зеро унинг илм-фан оламида, ўзининг касби-кори бўлган табиблик соҳасида тўқилган қизиқ ҳикоялар алломанинг эл-юрт ўртасида достон бўлиб кетган буюк ишлари туфайлидир. Қуйида улуғ ҳаким ҳақидаги ривоятлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этурмиз, азиз газетхонлар.

УЗУК ВОҚЕАСИ

Ибн Синонинг онаси Ситорабону узугини йўқотиб қўйиб, уни "сен олгансан" деб хизматкор қиздан кўрибди. Ўшанда онаси қизни уришаётганда бешикда ётган Ибн Сино ҳадеб йиғлайверибди. Онаси бўлса узук сабаб бечора чўри қизни уйдан ҳайдаб юборибди.

Ибн Сино биринчи бор тили чиққанда онасига:

— Сиз ўшанда хизматкор қизга бекордан-бекорга туҳмат қилдингиз, узугингиз ун олаётганингизда қоп ичига тушиб қолган эди, — дебди.

Дарҳақиқат онаси бориб ун сақланадиган қопга қўлини тиқиб қидирган экан, узук ўша ерда турган экан.

Шундан кейин чўри қиздан минг бор узр сўраб, уйларига қайтариб олиб келишган экан.

ҚАТИҚ ҲАҚИДА

Бир куни Ибн Синонинг шогирдлари суҳбат чоғида:

— Устоз, сиз агар оламдан кўз юмиб кетсангиз, беморларни ким даъволайди, ўрнингизга ким қолади, — деб сўраб қолишибди.

Шунда Ибн Сино:

— Мендан кейин қатиқ қолади, — дебди.

НАФС

Ибн Сино Хоразмда Беруний билан бирга бир овқатхонага кириб ўтиришган экан, бир семиз киши кириб хизматкорга:

— Бир коса лағмон ва ўнта кабоб келтиринг, — дебди.

Ҳалиги одам лағмонни паққа тушириб, ўнта кабобни ҳам битта қўймай ебди. Яна олтита сомса билан бир коса палов олиб келишни илтимос айлабди. Йигит ҳар иккала таомни ҳам еб бўлган экан, Ибн Сино Берунийга қараб:

— Энди бу одам ўлади, — дебди.

Шу топда хўранда яна хизматкорга:

— Энди бир коса қатиқ келтир, — деб қолибди.

Ибн Сино:

— Энди ўлмайди, — дебди Берунийга.

БОЛА ТАРБИЯСИ

Алломалар мажлиси чоғида Ибн Синодан бир киши сўраб қолибди:

— Мана гап бола тарбияси ҳақида бораётир, бу ерда турли фикрлар изҳор этилди. Хўш, табиби олам, айтингчи, бола тарбиясини, унинг қайси ёшидан бошламоқ даркор? — дебди.

Шунда Ибн Сино:

— Бешикдан бошламоқ зарур, — дебди.

САЛОМ-АЛИК

Ибн Сино шогирди билан кетаётган эди. Бир ёш бола жилтини кўтариб мактабдан келаётган экан. Шунда Ибн Сино болага қараб:

— Ассалому алайкум, — дебди қўлини кўксига қўйиб.

Бола ҳам саломга алик олибдию, ҳеч нарса билмагандай бепарво ўз йўлига кетаверибди.

Шунда шогирди ҳайрон бўлиб устозидан сўрабди:

— Нега шу ёшгина болага салом берурсиз устоз, сиз ахир...

— Эй азизим, бир кун келиб шу бола пошшо бўлиб қолса, нима дейсан, — дебди.

ДАРС ВАҚТИДА

Ибн Сино ўқувчилари билан сабоқ олиб бораётган экан, шогирдларидан бири муаллиминнинг саволларига жавоб бериб турганда чопар келиб табибни Амир йўқлаётганини ва зудлик билан саройга боришини айтибди.

Ибн Сино унга эътибор ҳам қилмасдан, бошини қимирлатиб, ўқувчисининг сўзларини маъқуллай берибди.

Шунда чопарнинг бироз жаҳли чиқиб:

— Ахир сизни Амир тезда етиб келсин деб эрди, деган экан.

Ибн Сино:

— Мен нима деяпман, мана, кўриб турибсизки, хўп деяпман-ку, деб калласини лиқиллатишни давом эттирибди.

Болалар кулиб юборишибди.

ҒОРДАГИ ТАЪЛИМ

Ибн Сино укаси билан бирга илм истаб ғарб томонга қараб йўлга тушибди. Бир жойга етиб борсалар, тоғдаги ғордан одамлар чиқиб келаётган эмиш. Маълум бўлишича, ғорда жуда катта китоблар хазинаси бор экан. Ғор бўлса ҳар йили бир марта очилар, унга кириб олсанг олганинг, кейин яна ёпилиб қолар экан.

Ибн Сино укаси Маҳмуд билан емак-ичмакни ғамлаб, бир йилга етарли шаъм ҳам олиб ғорнинг очилиш вақтини пойлаб туриб, унга кириб олишибди. Хуллас, бир йил ўтгач қайтиб чиқишганда соқол-мўйлаблари, сочлари ўсиб, кийимлари рўдапо бўлиб кетган экан, одамлар уларни танимай "қочинглар, алвасти келмоқда", деб ҳаммалари ҳар томонга югуриб қолишибди. Ғордан чиққан "иблис"-ни ушлаб подишоҳ ҳузурига олиб боришибди. Подишоҳ ҳам одам қиёфасини йўқотган бу икки алвастини дарҳол қатл этишни буюрибди. Жаллод қиличи бошларида турганда Ибн Сино укасига:

— Шунча китобни нечун мутолаа айладик, фойдаси тегмаган илм кимга ҳам керак, деб бир афсун ўқиган экан, момақалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақиб, бир пастда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетибди. Ака-ука саройдан чиқишиб, ўз йўлларига равона бўлишибди.

ВАСИЯТ

Ибн Сино ўзининг энг яқин ва севимли шогирдига: "Агар мен вақти-соати етгач, дунёдан кўз юмиб кетсам, анави шишадаги ўзим тайёрлаб қўйган доридан ҳар куни бир томчидан қирқ кунгача қуйурсан, деб васият қилибди.

Шогирди ҳаким вафотидан сўнг, унинг айтганларини бажо келтириб, ўша шифобахш дорини ҳар куни бир томчидан қуяверибди. Ўттиз томчи қуйгандан кейин Ибн Синонинг бироз тили очилиб, кўзини юмганча: "қуй-қуй" дея бошлабди. Охирги томчини энди қуймоқчи бўлган экан, қайдандир бемавруд шамол келиб, шишани тушириб синдирибди. Ривоятларга қараганда, ўша ғордан ҳамон "қуй-қуй" деган овоз чиқиб турармиш...

Мақсуд ҚОРИЕВ

«САОДАТ» ЖУРНАЛИ ЖАМОАСИ

мунис, мўмина, меҳрибон, сабр-қаноатли, камтарин, оқибатли, одамларга эзгулик қилиб ғарғамайдиган, ҳидоят йўлида имон-эътиқодли аёлларни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий табриклайди!

Оналар бахтига юртимиз тинч бўлсин, дастурхонларимиз ноз-неъматларга тўлсин!

Дардмандларга яратган Оллоҳнинг ўзи шифо берсин!

Баҳорнинг илк кунлари. *Ҳусанбой АРАББОЕВ олган сурат лавҳа*

РАИСНИНГ "СОТКА"СИ ЯНА ЎЗГАРДИМИ?

Фельетон-топишмоқ

Бу раҳбарни кўплар танийди, шахсан танимаганларга эса исми шарифи таниш. Исми шарифига қўшиб ҳисобланганда ўн уч ҳарфдан иборат, хизмат лавозимининг номи ҳам узунгина. Ҳарфлари сонини ҳисобламоққа ўнта бармоқ камлик қилади. Ишлайдиган вилояти номи — етти ҳарфдан иборат. Қани, топингчи, қаҳрамонимиз ким ва қаерда ишлаши мумкин?

Ҳа, тополмаяпсизми? Унда давомини эшитинг: Уни кўрганлар беихтиёр икки букилиб салом беради, сўнг орқага тисарилади, тили калимага келмай бир зум каловланади... Хизматида "иномарка", нақ учқур отнинг ўзгинаси! Хўш, бу инсон ким?

Йўқ, ҳоким эмас! Яна ўйланг... Лаббай, вазир? Бе, нима деяпсиз, вилоятда вазирлик лавозими йўқку? Аксинча, қаҳрамонимизнинг бир оёғи Тошкентда, бир оёғи ўз вилоятида. Майли, сиз унинг кимлигини ўйлаб туринг, биз эса ул жанобнинг қабулига киришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

... Ҳашаматдор ишхонанинг биринчи қавати. Дастлаб, эшик оға, яъни қоровулга дуч келамиз.

— Қаёққа? — дейди қоровул совуққина.

— Раисга.

— Сизни чақиртирганми?

— Йўқ, биз республика матбуотидан.

— Нима, матбуот деган ташкилот борми?

— Матбуот — газета дегани... яъни "тўртинчи ҳокимият"...

— Ҳм... Тошкентдаги ҳокимиятдан келдим, денг...

— Журналистман, раис билан танишмиз.

— Ҳа, шундоқ демайсизми. Ҳозир мен раис ёрдамчиси билан боғланай, рухсат берса, ўтказвораман...

Қоровул гувоҳномамизни тушунмаган жойларини сўраб, сўнг раис ёрдамчисига телефон орқали тушунтиради.

...Ниҳоят, раис ёрдамчиси ҳузуримизда. Ёрдамчи яна бизни обдон суриштиргач, "Ҳозир, ака, раис қабулидаги одам чиқса, кириб айтаман", дейди совуққина қилиб.

Қабулхонада беш-олти чоғ одам, ҳамма раиснинг қабулига кирмоқчи.

Ўн дақиқа, ярим соат, бир соат, бир ярим, икки соат ўтди...

Бу орада раиснинг ёрдамчига тўғридан-тўғри уланган қўнғироғи бир неча марта жиринглади. Ёрдамчи гоҳ бош корхона раҳбарини, гоҳ қайсидир туманда жойлашган корхона вакилини зудлик билан раис ҳузурига етиб келишини телефон орқали билдиради.

Бундан ташқари ёрдамчининг шаҳар телефонига жуда кўп қўнғироқ бўлди. Деярли барча қўнғироққа ёрдамчи бошлиқ йўқ, районларга чиқиб кетган деб қўя қолди.

Қабулхонада ўтириб, олтмишларга бориб қолган киши эътиборимизни тортди. У шу тизимда ишлаб нафақага чиқиш арафасида экан, кампири оғир касал, беш-ўн минг сўм моддий ёрдам сўраб келибди...

Ниҳоят, раис хонасининг икки қаватли эшиклари очилиб, у бир кишини кузатиб қабулхонага чиқди. Йўл-йўлакай қабулдагиларга разм соларкан, ногаҳон бизга кўзи тушиб, "Э, келинг, ака, кутиб ўтирмай киравермайсизми?", деди ясама манзират билан. Ижодкорман, меҳрибонлигим тутиб, ҳалиги ишчини ҳам бошлаб кирдим... У эртасига ёрдамчига келиб учрайдиган бўлди.

— Текшир-текширдан ортмай қолдик. Гоҳ вилоят, гоҳ республика миқёсидаги текширишлар... Бири кетмай туриб, иккинчиси келади, — дейди раис.

— Ўтган гал учрашганимизда корхоналарда илғор ва кам таъминланган уч-тўрт нафар ишчиларга мукофот тариқасида корхона ҳисобидан газетага обуна учун ёрдам қилишга ваъда бергандингиз. Бир дона ҳам бўлмабди, — деймиз.

— Овора бўлиб, келиб юрмай телефон қилмайсизми?! Солиқ идораси ҳисоб рақамимизни ёпиб қўйганди, ой охири, очилиши билан обуна қиламиз.

— Тошкентдан тўрт марта телефон қилдим. Районларга чиқиб кетган экансиз.

— "Сотка"га қилмабсиз-да.

— Қилдим, улана олмадим.

— Ҳа, айтганча ўтган ҳафта номерни ўзгартиргандим, ҳақини талаб қилиб келадиганлар, илтимосчилар кўп, ваъдани бериб қутулмасак...

У янги номерни айтди, ёзиб олдим.

— Сизни кузатиб чиқмай қўяқолай, одамлар кўпайиб кетибди — деди-да, қабулхонадаги манзарани кўрсатиб турувчи экранга юзланди...

Орадан бир ой ўтди. Вилоятдаги муштарийлар сони кўпайиш ўрнига камайиб кетди.

Раиснинг янги уяли телефони рақамини тердик. Тизимда бундай рақам йўқ эмиш. "Робот қизча"нинг жавобини эшитиб, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди. Бошлиқнинг ёрдамчиси билан боғландик. У раиснинг Тошкентга кетганини айтди.

— "Сотка"си ўзгарганмиди?

— Ҳа, ўтган ҳафта яна янгиланганди...

— Янги рақамини айтолмайсизми?

— Йўқ...

— Ҳисоб рақаминглар очилдими?

— Йўқ очилмади, икки-уч ойдан бери маош ололмаяпмиз.

... Корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами ёпиқ бўлса, бир ойда уч-тўрт марта қўл телефони рақамини ўзгартиришга маблағни қаердан олаяпти экан?

Ёлғон, ёлғон сўзлар, ёлғон ваъдалар, субутсизликлар...

Қаҳрамонимизнинг номини тўлиқ ёзмоқчи эдик. Аммо бир ҳамкасбим "сотка"сини тез-тез ўзгартирадиганлар жуда кўп эканини айтиб, бу фикрдан бизни қайтарди...

Холис НИЯТ

500 миллион доллар Ироққа қайтариладими?

Саддом Хусайнга тегишли 500 миллион доллар маблағни Ливан бош вазири Рафиқ Ҳаририй Ироқ давлатига қайтарилишига ваъда берди. Бош вазирнинг таъкидлашича Ироқ вақтинчалик бошқарув кенгаши мазкур маблағнинг ўтказилиши қонуний бўлишини кафолатлаши ва бу хусусда Ливан ҳукуматига расмий хат билан мурожаат қилиши зарур.

ЧИНГИЗХОН ПИЁНИСТАЛАРГА УЛФАТМИДИ?

Ва ниҳоят, Россия миллий наркологик тадқиқотлар марказининг мутахассислари рус кишисининг алкоголга ўчлиги қачон ва қаерда бошланганлигини изоҳлаб беришди. Маълум бўлишича, Россия аҳолисининг қарийб тенг ярмига алкоголь билан апоқ-чапоқлик Чингизхон армиясининг аскарларидан мерос бўлиб қолган ген орқали ўтган экан. Мазкур ген алкоголнинг организмда қайта ишланиши учун жавобгар бўлиб, "осиёлик ген"ни мерос қилиб олган россияликлар жуда тез фурсатда маст бўлиб қолишади. Улар эртасига ҳам "бош оғриғи" хумор қилиб қийналишади. Охир-оқибатда бундай кишилар ичкиликбозликка муккасидан шўнғиб кетишлари шубҳасиз экан. Ушбу геннинг европача тури билан "мукофотланган" россияликлар эса мастлик ҳолатини анча енгил ўтказадилар. Бу тажрибаларда иштирок этган москвалик талабаларга 350 грамм ароқ ичиб, сўнг бир неча тест синовларидан ўтиш таклиф қилинди. Кўнгиллилар компьютер ўйинларини ўйнашди, саволларга жавоб бериб туришди. Айни пайтда, улар қонидаги алкоголь мунтазам текшириб турилди. Маълум бўлдики, қонидаги спирт концентрацияси мўғулча генлари мавжуд бўлган талабаларда уларнинг европеоид ҳамкасбларига қараганда бир ярим баравар юқори экан. Алкоголнинг қонда парчаланиш жараёни эса, аксинча анча суст кечади. Мўғулча ген соҳибларининг бора-бора ашаддий пиёнистага айланиб қолиши хавфи баландлигини эътиборга олганда, мазкур тадқиқотлар спиртли ичимликларга бандиликни даволаш борасида янги усулларни ишлаб чиқишда қўл келиши шубҳасиз.

РУСЛАН ГЕЛАЕВ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Қонли жиноятлари билан ном чиқарган дала командири Руслан Гелаев Доғистонда чегарачилар билан қонли тўқнашувда йўқ қилинди, дейди «Интерфакс» ахборот агентлиги орқали тарқатилган хабарда. Асирга олинган жангарилар ҳам майит Гелаев эканини тасдиқлашди.

У Дудаев ҳокимият тепасидалиги пайтларида махсус президент полкини, шариат гвардиясини бошқарган. Бош вазир ўринбосари, Мудофаа вазири, Ичкерия қуролли кучларининг бош қўмондони бўлган. У 80-йилларда уч марта ўғирлик қилиб, қамалиб ҳам чиққан киссавур эди.

Хориж матбуотидан Насиба УСМОНОВА таржимаси

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр учун масъул: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 331.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда .
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 1322 нусха

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй